

УЗД
МГЗ

Мирпўлат Мирзаев


Монг живаси

951452



ШЕЪРЛАР

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
Тошкент — 1975



Шеърят — катта-ю, кичикка баробар, у — эл-юртнинг мулки. Шу боисдан бу соҳада бир шоирнинг бошқа бир шоирга қатъиян баҳо бериши қийин гап.

Инсофан айтганда, Мирпўлат кабиларнинг шеърятимиз уфқида пайдо бўлиши ҳаммамизни қувонтиради. Бу шоир йигит шеърларининг турфа фазилатлари мени ушбу сўзбошини ёзишга даъват этди. Айниқса мен унинг изланувчанлигида ижоднинг бош масаласи — самимиятни қўллаб-қувватлайман. Зеро, самимият бўлмаган жойда ижод сохталик касб этади.

«Тонг жилваси» — унинг ilk тўплами. Мирпўлат ҳали ҳаёт ҳақиқати, адабий жараёнлар билан кўп бора тўқнаш келади. Шу синовларда унинг ҳар жиҳатдан пиллиб етилиши шубҳасиз.

Ҳурматли шеърхон! Яхши шоирнинг пайдо бўлишидан ҳаммамиз ҳам бирдек қувонамиз. Мирпўлат заҳматкаш йигит — ижод машаққатларидан чекинмайди, Сиздек зукко йўқувчиларнинг эътиборини қозона олади деб ўйлайман. У ўз шеърлари билан Сизнинг хизматингизда бўлажагига ишонаман.

Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Ленин комсомолни
мукофоти лауреати

БИРИНЧИ ҚОР

Қўпдан бери оппоқ қишни
Кутган эдинг сен интизор.
Мана бугун ёғаяпти
Биринчи қор, биринчи қор!

Қара, оппоқ шохчаларда
Гўзал қишнинг наъъаси бор.
Ҳазин кузни дафн этмоқда
Биринчи қор, биринчи қор!

Табиатга оро берар
Пайти келиб сўлим баҳор.
Бу кун эса оққа белар
Биринчи қор, биринчи қор!

Оппоқ оқшом оғушига
Юр, чиқайлик, эй гўзал ёр!
Лабларингдан бўса олсин
Биринчи қор, биринчи қор!

Қалбимда илк муҳаббатим
Оппоқ қордан ҳам беғубор.
Изҳор этсин сенга уни
Биринчи қор, биринчи қор!

У, қандайин хушманзара!
Шодланаман беихтиёр.
Ғамларни ҳам кўмар гўё,
Биринчи қор, биринчи қор!..

КОММУНИЗМ ОДАМИ

У зот сизга таниш, бўлмангиз ҳайрон,
Қалбларга теранроқ ташлангиз назар.
Гарчи келажакка у соҳибдаврон,
Бу кун орамингда — биз билан яшар.

Бекам-қўст бўлсин деб шу кўҳна ҳаёт,
Доғу ғуборлари ювилсин деб тез,
Олий мақсадлар-ла юрибди у зот
Буюк жабҳаларнинг қошида бу кез.

Ҳа, у барчамиздек оддий бир инсон,
Турмуш ташвишидан эмасдир холи.
Аммо у ҳар қайда софдир ҳар қачон.
У эрур покиза виждон тимсоли.

Энг эзгу ниятлар унда мужассам,
Руҳи эзгуликдан топар фароғат.
Худбинлар нигоҳи хижолат ундан.
Унинг қаршиснда мотдир қабохат.

Улуғ эътиқоддан туйиб нашида,
Туғёнлар қўйнига ўзни қистар у.
Ҳарин курашларга этиб бахшида,
Коммуниани яқин этмоқ истар у.

Ҳали тафт, орога муҳтож бу замин
Уни гоҳ музлатар илк чечаксимон.
Ва лекин кечалар ўйга толса жим,
Ажиб шукуҳ берар юлдузли осмон.

Гўзал толе тонги жилва қилар шан.
Ҳавасда боқар у олис авлодга..
Сенга ҳар дақиқа содиқ яшаган —
Коммунизм, таъзим айла бу зотга!

КУЗ ТОНГИ

Кунлар қисқариб қолди,
Совиб ҳам қолди анча.
Борлиқ олтин тус олди
Хазонга бурканганча.

Хиралашиб қолди, тунд
Езги тиниқ осмон ҳам —
Бир куни босса булут
Бир куни босгай туман.

Қуёш боқар осуда,
Юрак ажиб қалтирар.
Олис тоғ чўққисида
Қиш либоси ялтирар.

Сой ҳам энди жўш урмас,
Оқар сокин, эриниб;
Ҳовуз ётар тинч, бесас
Тубигача кўриниб.

Мезонлар чувалади
Дарахтнинг шоҳларида;
Шабнам кўзни олади
Богнинг сўқмоқларида.

Ҳа, гўзалдир кузда ҳам
Табиат товланиши.
Аммоки булар билан
Одамларнинг йўқ иши..

Кузга ташбеҳ ахтармоқ
Ҳозир ўйни қилмас бани
Ҳар дилдаги иштиёқ
Эзгу бир дардга пайванд

Ҳовлида хазон барглар
Супураркан келинчак,
Далага чорлаб қолар —
Қизлар қўлда тугунчак...

•
Деҳқон-ку билмас уйқу,
Тинмас ушбу паллада.
Бу тун ҳам, эҳтимол, у
Тунаб қолди далада.

Тунда чанги босилган
Йўллар яна серқатнов:
Биров қайтса юмушдан,
Қайгадир шошар биров.

Ҳамиша шундоқ бўлар —
Оқаргунча куз тонги,
Аллақачон чалинар
Қишлоқда меҳнат бонги...

КОСМОНАВТЛАР ҲАЯЖОНИ

Космодром саҳнида сукут,
Интиқ боқар само хилқатн.
Ой нурида ялтирар совуқ
Ракетанинг адил қомати.
— Старт!...
Шу чоқ атрофга бирдан
Тошнб кетар қуюқ аланга.
Ва ракета зўр шнддат билан
Интилади сўнгсиз баландга.
Юлдузларнинг васлига илҳақ
Қўчар экан кема ногаҳон,

Қосмонавтлар қалбида бу чоқ
Туғилади шундай ҳаяжон:
— Хайр, Ватан! Хайр, Она Ер!
Чорлар бизни мовий ўлкалар.
Шонли аср бу кун «Оқ йўл» дер,
Инсоният тилайди зафар.
Ою-юлдуз сўйлаб ривоят
Имладилар мунис термулиб.
Йўл олдик биз, мана, ниҳоят,
Кинотга дадил кўз тикиб.
Сирли фазо бўлиб сағана,
Майли, шунда қолсин ҳокимиз.—
Самовотга битта поғона
Қўя олсак, дўстлар, токи биз!

Г Ҳ З А Л Л А Р

Бир кун гўзалларга дуч келиб қолдим,
Улар камолотда эдилар тенгсиз.
Аммо бир дақиқа хаёлга толдим,
Уларнинг қошида чўқсам-да мен тиз.

Муҳаббатнинг доғи тушиб ёдимга,
Дедим:
— Садоқатда сиз бунча фақир?..
Улар ерга боқиб дедилар менга:
— Ҳеч ким тўқис бўлиб яралмас, ахир...



Қайдан кирди дилга бу шодлик?
Шодлик эмас, бу — ажиб илҳом.
Ғуссаларим туюлар тотлик,
Мушкул ишлар кўринар осон.

Туйғуларим, покиза ўйим
Юрагимда ажиб соз чалар.
Хаёлимни шошириб қўйди
Қўпдан бери тансиқ мисралар.

«Қайдан кирди дилга бу илҳом?
Нега бунча боқаман мағрур?..» —
Ўз-ўзимдан сўрайман пинҳон
Висолингдан қайтаркан масрур.

Ва англайман бир ҳисда ёниб
Ишқ шунчалар нодирлигини..
Сезасанми, сен ўзинг, жоним,
Нималарга қодирлигингни?..

У М И Д

Ёлбораман, умид тангриси,
Иш чоғлари менга булгин ё

Г ғ т е

Эй, руҳимда барқ урган умид,
Оғир кунда қилма хиёнат.
Толе агар боқмаса хушнуд,
Ранжимагин — ғамлар омонат...

Эзгу заҳмат кетмас бесамар,
Эвази бор ҳали олдинда.
Бу кун кулиб қараётганлар
Мулзам бўлиб қолишар шунда.



Севги менинг учун теран азобдир.
Унинг оғушида оҳ урмаган ким?
Наздимдаги шунча дард-изтиробни
Сенга раво кўргим келмас, севгилим...

Йўқ, йўқ, истамайман ғам чекишингни,
Шу мунис кўзларинг билмасин ҳасрат.
Наҳот, дунёда энг азиз кишининг
Ғуссалари менга бахш этса лаззат!

Б У Р О Н

Ташқарида инграйди бўрон
Дарчаларга уриб кўксини.
Ғўё шикаст еган паҳлавон
Паноҳ сўрар бу тун ўксиниб.

Ингранади жон талвасада,
Тунд само ҳам титрар оҳига.
Гоҳ суйканар алам, асабда
Дарахтларнинг юпун шохига.

Йиғлагундай ортмоқда ҳуни —
Паноҳ топмай изғийди бу тун.
Сигдирмайди ҳеч ким ҳам уни,
Балки, бўрон бўлгани учун...



Денгиз қутурмоқда даҳшатли тунда,
Асабий сапчийди тўлқинлар ёли.
Нажот соҳилига етолмай бунда
Танҳо қайиқ сузар қуриб мажоли.

Энди курашларда келолмас ғолиб —
Бешафқат бўроннинг қаҳрига қолган;
Тўлқинлар чопади измига олиб,
Эшкаклар эса жим — умидсиз, толган

Ногоҳ олисларда милтираган нур
Мағлуб қайиқчига бағишлади жон.
Ҳолсиз қайиқ яна ташланди мағрур
Қутурган денгиздан манзилга томон

Мен ҳам курашларнинг комида бир к
Танҳо қайиқчидек ҳорисам беҳол,
Сенинг ўша ёниб турган кўзларинг
Чорлай олармикан мени у маҳал?..



Қуёш кўкда қилди саховат —
Илисин деб денгиз ҳам зора.
Денгиз эса булут бўлди-ю,
Қуёш юзин айлади қора.



Бизлар бу тахлитда севишдик нечун?—
Юраклар биледи на тот, на қувонч,
Ҳижрон азобида ёнамиз тун-кун,
Фақат овунтирар олис бир ишонч.

Биз-ку, ишонамиз — вақт етиб, бир дам —
Орадан йўқолар бу сўнгсиз азоб.
Аммо, ўша чоқда аламда кетган
Йиллар заволига ким берар жавоб?!

СОҒИНЧ

Сархуш кезиб юрдим кўчаларда мен,
Мўҳаббатинг тушириб эсга..

Сокин куз кунн эди.
Осмон эса тунд.
Бироқ уфқларда ажиб тиниқлик
Ҳиғоҳни чорларди олис-олисга.
Узоқларда,
худди тасвирдагидек,
Ястаниб ётарди тоғ тизмалари
Шаффоф сийнасида оппоқ қор билан..

Мен эса,
гавжум бир шаҳарда туриб
Маҳлиё боқардим бу манзарага,
Гўё узоқ йиллар сафарда юриб
Олис ватанининг қирғоқларига
Ногоҳ кўзи тушган бир сайёҳ каби.
Шу пайт қалбимдаги соғинч ҳислари
Жўшдириб юборди руҳимни бирдан,—

О. қанийди, ҳозир учқур қуш бўлиб
Учиб ошиб ўтсам ўша тоғлардан!..

Чунки ўша олис тоғлар ортида
Бир қиз яшар мени соғиниб.

И Ш Қ М А К Т У Б И

Тўлқинланар ошна қалам
Оқ қоғозда жимир-жимир.
Халал берманг унга бу дам
Ишқ мактубин битмакдадир.
Танда бир ўт ёнар лов-лов —
О. тошди-ку, дил илҳоми.
Бунча олов, бунча олов
Севгилимнинг азий номи!
Изҳори дил айтай десам.
Пойтав элим пайт фурсатини
Наҳот, энди қоғозга ҳам
Сўзламоққа йўқ журъатим?!
Чўчимагин, о қаламим,
Баввергин дил розини
Олис ёрга сатрларим
Етказсин қалб овозини.
Ўқиб лоқайд термулмасин
Ў ҳарфлар ёғдусига...
Ва ташлайман ишқ муждасин
Зангор почта қутисига.
Иш билан банд жим, бепарво
Ажратади уни кимдир.
Миллион-миллион хатлар аро
Сени топиб борғусидир.
Қишлоғимда тонг оқарар
Ўфқи лола каби қирмиз.
Йўлда эса шошиб борар
Бахт ташувчи амакимиз.
Ҳар хонадон хат йўлига
Интизору ва нигорон.

Бир нлтимос — ўз қўлига
Бериб ўтинг, амакижон!
Сен яшириб кимлардандир
Ўқирсан ҳам ншқномани.
Менга эса қоронғидир,
Қоронғидир бу томони:
Балки ўзинг кўлдан бери
Шуни кутиб юргандирсан;
Ким биладн тагин, балки,
Ўқиб жуда ҳам ранжирсан...
Нур тўлдирсин ёш қалбимга,
Ё бир йўла берсин озор.
Икки энлик жавобингга
Мен интизор, мен интизор!

КУЗ ЁМҒИРИ

Хаёлимни бир сокинлик сеҳрлайди —
Ташқарида куз ёмғирн шнпирлайди..
Ҳолинг сўраб бормадим мен — анча бўлди,
Куз ёмғирн сен ҳақнингда шнпирлайди.

Бу чоқ сенинг деразанг ҳам ёшлангандир?..
Мени қўмсаб юраккинанг ғашлангандир?..
Ким билади — мен унут-у аллақачон,
Ўзга билан баҳор фаслинг бошлангандир?..

МЕНИ КЕЧИР...

Мени кечир...
Сехрин англамадим боқишларингинг,
Қадрига етмадим соф ҳисларингинг.
Сен мунис жилмайиб турган чоғингда,
Табассуминг кўриб гул ёноғингда,
Мен ғайри ўйладим,
Тунд, лоқайд сўйладим,
Мени кечир...

Бугун маъюс, хафа учратдим сени,
Ўтиб кетдинг гўё кўрмайини мени.
Мен шу чоқ англадим хатоларимни —
Мурғак юрагингга жафоларимни.
Тошдек қотиб қолдим,
Ўйга ботиб қолдим...
Мени кечир...

Нетағини нимадир... ажаб, билмаймак
Эзгуликка нечун шафқат қилмайман?!
Нетай, ёниб севиб алданган дилман,
Шундан бери таҳқир, шубҳага қулман
Ўзингим танитдинг,
Эҳ, сени рангжитдим,
Мени кечир...



Чарчоқ кўнглим губорини ёзай деб,
Кўчаларда сайр этардим мен хушнуд.
Тиниқ кўкка сузиб чиққан булутдек
Муюлишдан чиқиб қолди бир тобут,
Орқасидан дарё каби ёйилиб —
Кўча тўлиб келар эди одамлар;
Аччиқ қисмат фарёдига ёқилиб,
Ғариб бўлиб келар эди одамлар.

Улар бари менга эди нотаниш,
 Билолмадим марҳумнинг ҳам кимлигин,
 Эзди бироқ қалбимни бир ўртаниш:
 «Ким экан у — қаримикин, ёшмикин?»
 Ҳаёт завқин сурдимикан беармон,
 Ё ўтдимн орзуларн кулмайин?
 Ёки сўқир ажал уни беомон
 Нобуд қилди очилмаган гулдайин?
 Ўзи мангу фонийликка кетаркан,
 Қолдирдимн бу дунёда бирор из?
 Унинг руҳин ким доим шод этаркан,
 Ё юлдуздай учиб кетди белгисиз? . »
 Банд этса ҳам мени турфа ҳаёллар,
 Кўзларимга беихтиёр тўлди ёш.
 Бир тобутнинг соясида одамлар
 Кетардилар жудодикдан эгиб бош.



Нозланади кўкламги офтоб
 Аҳён-аҳён кўрсатиб жамол.
 Кўк юзида кўпчиган оппоқ
 Булутларни ҳайдайди шамол.

Қарвон-қарвон булут ортидан
 Тикиламан мен ерда туриб.
 Алланечук сархуш туйгудан
 Энтикаман, юрак гупуриб.

Қанн учсанг йироқ-йироққа,
 Ҳов, оқ булут узра узаниб.
 Олам бу кун тўлмиш бўёққа,
 Юрт ҳуснига термулсанг қониб!..



Демак, сендан ортиқ умид қилмайман?
Майли, толе мендан буткул кечсин воз.
Мен ҳар қандай ғамга кулиб чидайман
Жуда саз!..

Гарчи мен ҳеч этмагандим тасаввур,
Қалб зоримга сен билдирдинг эътироз.
Ҳукминг тинглаб, дедим шунда: «Ташаккур,
Жуза саз!..»

Чорласанг ҳам қайтмагайман, алвидо!
Йўлларингга иқбол бўлсин поёндоз.
Ўтажакман висолингдан мен жудо —
Жуда саз!..

Ишқ мунгидан озод бўлди юрагим,
О, энди у изтиробда ёнмас боз!
Майли, тунлар ҳасрат бўлсин тўшагим,
Жуда саз!..

К У З

(М а н з а р а)

Хиёбонда саф-саф дарахтлар
Қарахт боқар туман қўйнидан.
Йўлакларда сўнгги япроқлар,
Совурилар ел ўйнидан.

Ногоҳ учиб ўтган зоғларнинг
Ҷалинади қулоққа саси.
Бу дам мудроқ, ҳазин боғларни
Эркалайди аёз нафаси.

Сокинликда совуқ шаббода
Олиб келар қорнинг исини.
Сур булутлар кезиб ҳавода
Жунжиттирар дил туйғусини...

— Қор ҳам ёна қолсайди, зора,
Дейди кўнглини бўлиб бетоқат.
Балки, шунда бу тунд манзара
Қор остида топар ҳаловат...

259149.

О Н А

Ётар эдинг билмай ўзини —
Бир дард ичра алаҳдаб ёна
Не мўъжиза — беморлигимни
Тўшингизда кўрибсиз, она!


Шундан бери дардга чалинсам,
Ё ғам ичра гўлгонсам бедор,
Ҳадикдаман: олисда бу дам
Гўё сиз ҳам чекасиз озор...



(Сонет)

Ҳаёлимда севдим мен сени.
Ёдинг билан юрдим мастона
Ёлғиз бахтим, дедим мен сени.
Ҳаёлимда бўлдим парвона.

Сочларингни тараб тунлар жим,
Чўкмадим мен теран кўзингга.
Сен ҳақингда қўл шеърлар битдим.
Ўқимадим аммо ўзингга.




Ҳижронингда дилим чекди ғам,
Бу ҳижронга ўзим юз тутдим.
Хаёлимда севдим чинакам,
Аммо журъат этолмай ўтдим.—

Энг бегубор туйғуларим ҳам
Шаъниннга доғ бўлар, деб қўрқдим.



Ҳориб келмоқдаман аэропортдан,
Лоқайд ранжитганинг, ахир, нимаси
Ола қол бағрингга, сиздир мени ҳа
Меҳмондўст шаҳарнинг меҳмонхонас
Тансиқ гўшага ҳам бўлгум муяссар.
Энди ҳузур қилиб чўзилай бир оз.
Ойнадан оқинишга шабала эсар
Осмонга юлдузлар бермоқда пардоз
Сафар азоблари бўлар-у унут,
Бедор асабларим олар экан тин;
Рухимга кирди тиниқ бир сукут.
Туйғулар қалбимга қайтади секин.
Хаёлни ёритар тагин у сиймо,
Дилда такрорланар хайрлашув он.
Ушбу сукунатни кутгандек гўё,
Оҳиста эшикни чертади ҳижрон...



Ш О И Р Л А Р

1. Танилмаган шоир қўшиғи

Туйиб олис баҳор исини
Изғиринда ташлайман қадам...
Бир фидойи куйловчисини
Ҳали билмас бу гофил олам.

Парво қилмайғ, онажонгинам,
Мендан кулиб этсалар таҳқир.
Ишончимдир менинг хазинам,
Майли, бўлай ҳозирча фақир.

Бу бепарво дунё комида
Асло-асло ўкинмас дилим.
Нафсиз шеърлар тегса жонига,
Ташлаб кетсин майли севгилим!

Тақдир менга ён бермаса гар —
Қаҳри қанча бўлса-да қаттиқ,
Учакишиб мен ундан баттар
Яшайдирман аччиқма-аччиқ!

Ишонаман, аммо, шунга мен —
Қадрланар бир кун бисотим.
Балки шунда қайтар севгилим —
Машҳур бўлиб танилгач отим...

Ҳозир, майли, чекай азоб-ғам,
Ортда қолур ҳали довлар.
Онажоним, у чоқ сизнинг ҳам
Днлингиздан кетгай армонлар!..

2. Танила бошлаган шоир монологи

Келди охир сароб янглиғ дамлар ҳам —
Ҳар бир куним ҳаяжонли, бир майин...
Сокин тунлар боисини ўйласам,
Машҳур бўлиб бормоқдаман кун сайин!

Гоҳи-гоҳи ташриф этсам қишлоққа,
Алоҳида меҳр билан қарашар;
Тиришмайман мудом камтар юрмоққа —
Мағрурлигим ҳатто бир оз ярашар.

Дўстларим ҳам кўриб қолса парвона,
Хол-аҳволим сўрашади эринмай.
Илтифотлар тегиб баъзан жонимга
Узоқларга кетай дейман кўринмай.

Кечагина шу бегона пойтахт ҳам
Бугун худди ўз уйимдек қадрдон
Юролмайман сероломон кўчадан —
Мухлисларим учраб қолар ногаҳон.

...
...
...
Шеър ўқийман мастлигимдан энтикиб.
Ва қизлар ҳам (бирам гўзал қизлар-ки!)
Жалб этишар нигоҳимга кўз тикиб

Армонларим қолмаганга ўхшайди —
Машҳур бўлиб бормоқдаман кун сайин..
Йўқ йўқ! Тақдир орға қайтар бўлсайди,
Яшар эдим асло машҳур бўлмайин.

Нима етсин кўп қатори яшашга
Бу шов-шувли дунё ичра пинҳон, жим..
Машҳур бўлиб борган сайин ўзинг, ҳа,
Буюклашиб кетар экан дардларинг!

Иложим йўқ қисматдаги муқаррар
Шон-шухратнинг панжасига тушмайин.
Хайр, содда изтироблар, шўхликлар! —
Машҳур бўлиб бормоқдаман кун сайин.

3. Ўртамиёна шоир сўзлари

Мен зўр шоир бўлмоқчи эдим —
Нодир сўзли, мағрур, талабчан.
Сўниб борар бу орзум энди,
Балки буткул сўниб қолар ҳам...

Самоларда яшардим бир пайт,
Ер ташвиши — ғамдан йироқда.
Энди кўкка қарайман лоқайд,
Ҳаёт шунга кўниктирмоқда.

Ва шеърнат — шу юксак ҳавас,
Энди мен-чун оддий бир ҳунар.
Сатрларим тор сими эмас,
Ҳисоб чўтга ўхшаб кўринар.

Гапларинг ҳақ, темир танқидчим,
Унутдим шеър ҳафсаласини.
Нетай, ахир, тинчитмоқчийдим
Хотинимнинг хархашасини!

Етиб келди яна бир байрам,
Совға керак бола-чақага.
Мен шеър битгум бу байрамга ҳам
Арзисин деб бирон чақага...

Дастлаб қўлга тутганда қалам,
Бу қисматни ким ҳам ўйлабди?
Бугун, нетай, дилимда алам —
Буюк орзум поймол бўляпти!..



Комилжон хотирасига

Яна кўклам сели оламни тутди,
Эҳ, сен-чи — дунёдан мангу беҳабар..
Уканг ҳозир сенинг ёшингдан ўтди,
Опангининг багрини ҳануз ғам эзар.

«Ҳаётдан у эрта кўз юмди, эвоҳ!» —
Кўплар эслашади ҳасратга тўлиб.
Менинг қалбимда-ку, тириксан ҳар чоқ —
Яшайсан бир умр тепгқур, дўст бўлиб.

Б О Й Ч Е Ч А К

Шом қўйинга киради шаҳар.
Кўчаларда сўнади шовқин..
Қалбинг бу чоқ такрор ҳис этар
Талабатик йилларнинг завқин
Ижарали уйда бир ўзим —
Нимагадир илҳақ, ичкиб.
Қайтмоқчийди қишлоқдан дўстим,
Нега бунча қолди кечикиб?
Орзиқади безовта юрак.
Кириб келар дўстим поғаҳон:
Бир қўлида даста бойчечак,
Бир қўлида ҳамроҳ чамадон.
Ғамгин хона тўлади нурга,
Чил-чил синар совуқ сукунат.
Ва ўлтириб анча вақт бирга
Гангур-гунгур бошлаймиз суҳбат.

— Оббо, дўстим, бунча кечикдинг?
 Хўш, қишлоқда нима гаплар бор?..
 Дамингни ол, ўтиб ечингин,
 Ҳозир чой ҳам бўлади тайёр...
 — Салом айтди уйингдагилар...—
 Узатар у омонат пулни.
 Сўнг галати жилмайиб қўяр,
 Бўш шишага жойларкан гулпи.
 — Булар эса,— дейди у жиддий,—
 Ҳа, ҳа, ишон — сенга аталган!
 У сен учун бериб юборди,
 Қайтаётган экан даладан.
 ...Ухлаёлмай чиқгум шу кеча,
 Дилда тўқиб бир ишқий эртак,
 Боққан каби у мунис чеҳра,
 Сеҳрлайди маъсум бойчечак.
 Тонгга яқин туш ҳам кўрибман:
 «...Кўм-кўк қирлар ва ҳарир туман...
 Бойчечаклар териб юрибман,
 Мен қирларда кезиб у билан...»



(Сонет)

Ишқий савдога кон қадим ер юзи
 Биздек ошиқларни балки кўрмаган.
 Бизни учраштирди севги юлдузи
 Мангу бахтпёрлик қисмати билан.

Севгимиз амр этса бизга мабодо
 Фидо бўлмоқликка ҳар лаҳза шаймиз.
 Ҳар хил ташвишларга тўла дунёда,
 Бизлар бир-биримиз учун яшаймиз.

Энг гўзал ҳисларни биз этамиз жам,
 Неки эзгу бўлса кўямиз ихлос;
 Сочимизга қиров кўнган чоқда ҳам
 Дунёга боқамиз ошиқларга хос...

Қисқариб бораркан умримиз ҳар он,
 Севиб улгурмоққа излаймиз имкон.



Шўх, чапани даврадаман мен яна,
Бунда ҳануз сурур қилар тантана.

Майдан сархуш сезган сари ўзларин,
Авжга чиқар аскиябоз дўстларим.

Ажаб, менда рағбат йўқдир куларга —
Гўё энди бегонаман уларга.

Бенхтиёр бир мунг дилни ўрайди
Ва бир дўстим пайқаб қолиб сўрайди:

— Нега бунча бўлиб қолдинг хаёлкаш,
Айт, нимадан ғам чекасан, дилинг гаш?

Аввал бундай ўйчан эмас эдинг-ку,
Лабларингдан аримасди шўх кулгу.

Энди нега наришмоқсан, маймуссан?
Кайфинг ошиб, қовриласан сал ичсанг

Бу гаплардан ҳушёр тортиб қоламап.
Узр сўраб, ўзни масга оламан.

«Эҳ, дўстгинам...— дейман кейин жим, бесас,—
Қалбниг мени тушунмоққа қодирмас.

Мен бир шоир — шеърдан дили вайронман,
Бу ҳолимга бу кун ўзим ҳайронман.

Юрағимда ғам ҳам, бахт ҳам омонат,
Беғам сурур этди мангу хиёнат.

Ва барчага энди сирли бир зотман,
Сенга эса ҳам қадрдон, ҳам ётман...»

МАНГУЛИК ТУЙҒУСИ

А. Орипова

Шамолларнинг атридан дилни
Сармаст этамиз..
Эсаверар шамоллар мангу,
Бизлар кетамиз.

Қирғоқ тўлиб югуради сув,
Кафтни тутамиз..
Оқаверар сувлар ҳам мангу,
Бизлар кетамиз.

Ва бу оний умр шаънига
Қўшиқ битамиз.
Қўшиғимиз қолар мангуга,
Бизлар кетамиз.

Қ И Ш Т У Н Л А Р И

Декабрнинг узун тунлари,
Мен севган дам — хаёлбахш тунлар.
Қишнинг оппоқ пэғиринлари
Қорли тоғлар қўшигин куйлар.

Хаёлларга берилиб ёлғиз
Ўлтираман печнинг ёнида.
Қимсасиз қир, даштларда бу кез
Ой чўмилар қор тўзонида.

Ҳозир борлиқ мусаффо чунон!
Нимадандир бўламан сармаст.
Дилда севги яралар бу он,
Бундай ишқни рад этиб бўлмас...

О, эртақлар қизи — бокира!
Сени ёдга солар бу тунлар.
Дил тубида сархуш хотира,
Қўлиб қолди бу тунлар.

Қ У Р С Д О Ш Л А Р

(Ҳ а з и л)

Ётоқхона дея аталмиш —
Бино эрур биз яшар макон.
Кунлар ўтар унда беташвиш,
Ҳар хил баҳслар қўйнида шодон.
Деразадан мўралар юлдуз —
Хоналарда ўчади чироқ.
Тун қўйнида бўлса ҳамки биз
Суҳбат қуриб ётамиз узоқ.
Дейди бу гал камсуқум Нодир:
— Шундай савол келди ўйимга:
Айт-чи, нима қилардинг ҳозир
Қўп пул тушиб қолса қўлингга?

Жавоб берар унга Мурод тез
(«Бой Мурод» деб атаймиз уни):
— Эҳ, машина олардим сўзсиз
«Пахан» рухсат — пул берган куни!
— Сен-чи, шоир,— сўрайди мендан,—
Не қилгунг пул тушса агарда?
Дейман дангал:— Севгилим билан
Кетар эдим ресторанларга!
— Ўзинг-чи?— деб берамиз савол.—
Айт, ўзинг ҳам айткизиб қўйиб!
Бўлса-да, у маъюс, серхаёл,
Жавоб берар ҳазилга йўйиб:
— Йўқ демасдим мен ҳам кўп пулни —
Қишга битта пальто олардим.
Қолганига эса ҳар куни
Мазза қилиб овқатланардим!..



Ортда қолди сен яшар макон,
Ўтиб кетдим қайрилмайин, жим.
Қузатардинг мени паришон,
Деразага суяниб гамгин.

Бир туманли мунг гирдобиди
Узоқларга кетгум мен сингиб.
Сен термулиб ойна ортида
Оҳ чекасан ёшли хўрсиниб.

Англолмайман севгимиз нақлин —
Фараҳми у, ё сўнгсиз фироқ?..
Сенинг унсиз илтижоларинг
Қайтаради изимга ногоҳ.

Ҳузурингга қайтаман шошиб,
Ғамларимни қолдириб, ташлаб.
Сен шабнамли гунчадек яшнаб
Қаршилайсан энтикиб, тошиб..

А К А М Н А С И Х А Т И

Ука, шоир бўлмоқ истабсан,
Эзгу ният — тилайман оқ йўл
Айтиб қўйай, энлай олмасанг,
Ҳозирдан воз кечганинг маъқул.

Ёзмасак-да ўзимиз, лекин
Шеър дегани тушунамиз, ҳа.
Насиҳатим уқиб, тўғриси
Қулоғингга қуйиб ол, ука.

Майда-мижгов гаплардан қочгин,
Бўлар-бўлмас бўяма қоғоз;
Сийқа шеърдан гийбатчи хотин
Эзмалиги мароқли ва соз.

Қафил бўлгин ҳар бир сатришга,
Сафсатанинг йўқдир кераги;
Ошён қурсин тафаккурингга
Теран дунёро ҳамон қараси.

Нурли уфқлар ишқи ёндирсин
Муқим бўлиб қолсанг шаҳарда.
Ва қишлоғинг қалбингда юрсин —
Одамларни тутгин назарда.

Уларнинг ҳам буюк қалби бор —
Қадрлашар санъатни жуда.
Яхши шеърни ўқиш-чун такрор
Ишга олиб кетар қўнжида...

Ишқ-муҳаббат ҳақида ёзсанг,
Шундай ёзки — юрак этсин «жиз».
Майли, севиб қолсин ғойибдан
Шеърингга бир кўзи тушган қиз.

Дардли бўл-у, куйлама қайғу,
Эътиқодинг бўлсин ҳақиқат;
Шон-довруққа лойиқ бўлгин-у,
Орқасидан қувмагин фақат.

Хуллас, ука, дейман фахр-ла:
Боқий бўлсин дилингдаги аҳд...
Ростин айтсам, дуруст шоирга
Ака бўлиш ўзи ҳам бир бахт.

САЙЁҲ ҚУШИҒИ

Хайр, эй ёш соҳибжамол, яхши қол,
Бизлар қайта кўришмасмиз эҳтимол...

Йироқлардан келиб сени топгандим,
Бу кун тонгда юртим сари отландим.

Кетмоқдаман қалб тўла таассурот
Ва ёқимли бир туйғудан мамнун, шод:

Не бўларди бу ерларга келмайин,
Бу дунёда сен борлигинг билмайин,

Йироқларда яшаб ўтсам бир умр?
Энди буни қилолмайман тасаввур

Лўтф айлади менга тақдир шамоли.
Қисқа бўлди бироқ қалблар висоли.

— Хайр!.. Нега қайғуланиб қолдинг сен?
Нималарни хаёлингга олдинг сен?..

Мени унут, сайёҳман-ку — бегона,
Лекин сени унутмасман, жонона.

Хотирамдан ўчмас мунис жамолинг,
Маъюсгина сичкиб турган рўмолинг...

Қ И Ш Л О Қ Қ А Қ А Й Т И Ш

Согинч ҳисси, эзма кўнглимни,
Васли бўлар айрилиқнинг ҳам.
...Қабул этгин сайёҳ ўғлигини —
Яна келдим бағрингга, Сайрам!
Қуёш сўниб борар самода
Қишлоқ узра чўкмоқда оқшом.
Дил яйрасин дея пиёда
Йўлга тушгум ёлғиз-у, шодон.
Кўз ўнгимда дала-ю боғлар —
Куз лутфи-ла серфайз ва тўқин.
Узоқларда оқарган тоғлар
Тун қўйнига кирмоқда секин...
Бу кўрк кимда уйғотмас ҳавас!
Менга эса бари қадрдон.
Нигоҳимни жалб этмай қўймас
Йўл четида кўҳна қабристон.
Тавоф этгум, табаррук даргоҳ,
Тупроғингни кўзимга суртиб.
Тақдир мени учирса йироқ,
Сенга қайтмоқ бўлурми nasib?
Ҳалай оермай деб хаелимга
Ташларканман ўйчан қадамлар,
Пешвоз чиқар истиқболимга.
Дўч келади дилкаш одамлар.
О. бегубор, содда кўнгиллар —
Манзират-у, қувликни билмас,
Меҳнат билан кечса-да йиллар.
Шон-довруғни орзу ҳам қилмас!
Ўғитингиз этмасман унут,
Мени ношуд ўйламанг зимдан
Олислардан қайтсам-да хушнуд,
Қалбим доим сизга таъзимда.
Ҳар келганда содир бўлгувчи
Ўзгаришлар фикримни олар.
Қишлоғимнинг ҳатто ҳар бурчи
Кўнгилга бир хотира солар.
Нега юрак музлади бирдан.
Олга босмай қолди изларим?—
Ҳануз ушбу маконни кўрсам,
Қалтирайди нечун тизларим?..
Ҳа, бу уйда яшар ўша қиз —
Илк севгимга қилмади парво.

Мени ишқда этди-ю бахтсиз,
Ҳозир ўзи бахтлими танҳо?!
Йиллар ўтиб борар пайдар-пай,
Дилда ҳамон ўша қалби муз.
Хотирамдап ўчмаса нетай,
Толеимдан йўқолган юлдуз?!
Ҳй-армондан кечиб дафъатан,
Руҳим бошлар сирли тантана.
Теран, дплхуш хаёллар билан
Етиб келдим уйга ҳам, мана.
Тўлин ой зар тўкмиш йўлакка,
Дарвозадан бераман овоз.
Ҳадик-қувонч солиб юракка,
Онажоним чиқади пешвоз.

МАКТАБ

Мактаб, мактаб — табаррук макон,
Бу кун яна келдим қошинга.
Хотиралар мени дафъатан
Қайтардилар ўн тўрт ёшимга.

О, у йиллар — тоза, беғубор,
Эрта кўклам тонгидай илиқ.
Дилга кирар бир ажиб виқор —
Аллақандай ҳисларга тўлиқ...

Қалбимнинг илк ўйчан меҳмони,
Унутмасман сени ҳеч қачон.
Дастлаб сенда кўрган рўёمنى
Ахтарурман мен ҳануз сарсон.

Мактаб, сенинг қучоғинг кўрсам,
Қайтаман мен болалик сари.
Ва уйғонар дилда қайтадан
Умримнинг илк хотиротлари



Кўз сурури, шаштидан
Ўйчиб кетди қушчалар.
Иссиқ юртлар даштига
Кўчиб кетди қушчалар.

Юз ўғирма, дилбарим,
Ўтинаман ёлбориб.
Тўғимасин ҳисларим
Меҳрибон дил ахтариб...



Бас, қишлоққа кетман — онам ёнига,
Ҳавас раъйига ортиқ солмайман қулоқ.
Малҳам Сўлиб онамнинг ғам-армонига
Энди жилмай яшайман қошидан йироқ.

Тонглар барвақт уйғонгум чиқмасдан қуёш —
Бўлмоқ учун онамга дастёр, парвона.
Майли, онам қувончдан кўзга олсин ёш,
Зинҳор кадар йиғмасин кўнгли пинҳона!

Қош қорайиб қайтаркан толиқиб ишдан,
Ўзни қувноқ кўрсатгум, тутмагум беҳол.
Тортинмам гоҳ онамга тўйиб боқишдан,
Эркалангум гоҳида ёш гўдак мисол.

Ёз тунлари терандир, сокин, серюлдуз,
Музлатади руҳингни сирли кoinот.
Мен бу дамлар юракдан оҳ уриб унсиз
Бевақт кетган отамни хотирлайман бот...

Бир гап бўлар шоирлик, кетгум қишлоққа —
Хаста онам ҳижрони бағримни эзар.
Аҳён-аҳён бўз илҳом солса қийноққа
У чоқда ҳам онам-чун битгайман шеърлар.



(Евг. Евтушенкодан)

Дунёда беҳикмат одамлар бўлмас.
Тақдирлар — сайёралар тарихига бас.
Ҳар кимнинг бўлади ўзгача қалби,
Ўхшаш сайёралар бўлмаган каби.

Кимдир яшаб ўтса пинҳон, бедовруғ
Ва бу пинҳонлик-ла дўст тутинса у,
Эътибор қозонган одамлар ичра
Ўзининг худди шу пинҳонлиги-ла.

Ҳар кимнинг бўлади ўз сир олами:
Бу оламда яшар энг оахтли дам,
Бу оламда яшар энг кулфатли он,
Бироқ булар бари биз учун пинҳон.

Бир инсон юз тутса у дунё сари,
Унинг билан кетар биринчи қори,
Ҳамда илк бўсаси, илк ғалабаси..
Унинг билан кетар булар ҳаммаси.

Қитоблар, кўприklar қолажакдир, ҳа,
Рассом асари-ю, турли машина,
Ҳа, кўп нарсаларга — яшамоқ тақдир,
Бироқ нималардир кетар-ку, ахир!

Бу шафқатсиз ўйин шундоқ давомлар.
Одамлар ўлмайди, балки — оламлар.
Осий бандаларни гоҳи эслаймиз,
Улар ҳақда, асли, нима билганмиз?

Бизга равшандирми дўсту туғишган,
Тўқис биламизми ўзимизни ҳам?

Ҳатто ўз отамиз ҳақида ҳам биз
Кўп нарса билиш-ла, тақир билмаймиз.

Одамлар кетмоқда... Қайтариб бўлмас.
Улар сир дунёси қайта туғилмас.
Ва мен бу қисматни кўриб ҳар сафар
Фонийликка қарши дод солгим келар...

ОНА МОНОЛОГИ

(Ў. Сулаймоновдан)

Димчо Дебеляновга

Агар сеи бўлсанг инсон, яратгини ўзингга ном
Ва бу ном насларга муҳр бўлар эҳтимол,
Бамисли учқур давр тўлқинига беҳазон
Бош эгиб турган каби абадий ёш мажнунтол.

Гўл — узун, олис мудом,
Меҳнат-ку — бўлмас осон.
Кўксимни тутаман қақроқ лабшигга,
Сутим жо бўлсин деб мурғак танингга,
Ўсгин-у, улғай, болам,
Яратгини ўзингга ном.
Гумон сезсам мен зарра,
Маслаҳат бермам сенга,
Бешигинг устида айтмайман алла.
Мададкор бўлурман сенга жанг палла,
Кўзингга боқиб ўлим қаҳ-қаҳ уриб кулганда
Ва дўстинг кўз ёш каби майсага йиқилганда,
Бахтсизлик келтирганда охири илнжинг ҳам,
Шундай деган бўлардим қулоғингга ўша дам:

«Тортиниб турма, ўғлон,
Сенсан — ботир, паҳлавон.
Журъатингни кўрсинлар —
Ев ўқинга бўл қалқон!»
Ва шунда, оҳ, менинг-чун енгил бўлар сўйламак.
(Сенга ва менга боқиб келмас кимнинг ҳаваси!):
«Кўринг, бу камтар йигит-чиндан ҳам асл казак,
Кўринг, бу камтар аёл — унинг онаси».
Аёндир йўл — нажот нимада?
Довюрак бўл бундай лаҳзада
Ва шунда қутқарурлар.

Аммоки водий узра
Кўрғошни учмаганда,
Дақиқалар имиллаб,
Асринг зил туюлганда,
Одамлар ғам-шодликда
Дариг тутса ёшини,
Қизлар тез яширмаса
Ёт кўзлардан сочини,
Мард қилиб кўрсатганда
Кўрқоқ йигитлар ўзин.
Камсўкүм бўлгин, ўғлим.

ДУСТЛАРИМГА

Бу фазилат ҳар кимда бўлар:
Дўст ахтарар ўзини таниб.
Ва дунёга дадилроқ боқар
Дўстларига руҳан суяниб.

Нотинч бир қалб ўз даврасида
Не тонг, бир кун саналса донгдор! —
Мнинг ушбу мартабасига
Дўстларининг улуши ҳам бор.

Мен ҳам бу кун ажиб сафдаман,
Ингиламан — қалбимда сурур.
Қувонтирган ҳар ғалабамдан
Дўстларимга дейман ташаккур.

Эй, зукко таъб набиралар, сиз,
Фонийлик лутф этиб мабодо —
Мени ёдга олар бўлсангиз,
Дўстларимни унутманг, асло!

МУНДАРИЖА

Биринчи қор	3
Коммунизм одами	4
Куз тонги	5
Космонавтлар ҳаяжони	6
Гўзаллар	7
Саҳоват қорди донишмундлик	7
Ўмид	8
«Севги менинг учун...»	9
Бўри	9
«Денгиз қутурмоқда...»	10
«Қуёш кўкда қилди саховат...»	10
«Бизлар бу тахлитда севишдик нечун?..»	11
Соғинч	11
Ишқ мактуби	12
Куз ёмғири	13
Мени кечир	14
«Чарчоқ кўнглим ғуборини ёзай деб...»	14
«Нозланади кўкламги офтоб...»	15
«Демак, сендан ортиқ умид қилмайман?!»	16
Куз	16
Она	17
«Хаёлимда севдим...»	17

«Ҳориб келмоқдаман...»	18
Шопрлар	
1. Танилмаган шоир қўшиғи	19
2. Танила бошлаган шоир монологи	20
3. Уртамиёна шоир сўзлари	21
«Яна кўклам сепи оламни тутди»	22
Бойчечак	22
«Ишқий савдога кон қадим ер юзи...»	23
«Шўх, чапани даврадаман...»	24
Мангулик туйғуси	25
Қиш тунлари	26
Курсдошлар	26
«Ортда қолди сен яшар макон...»	27
Акам насихати	28
Сайёҳ қўшиғи	29
Қишлоққа қайтиш	30
Мактаб	32
«Куз сурури, шаштидан...»	32
«Бас, қишлоққа кетаман — онам ёнига...»	33
«Дунёда беҳикмат одамлар бўлмас...» (Евг. Евту- шенкодан)	34
Она монологи (У. Сулаймоновдан).	35
Дўстларимга	37

На узбекском языке
Мирпулат Мирзаев
ЛАЗУРНОЕ УТРО

С т и х и

Издательство «Еш гвардия» —

Ташкент — 1975 г.

Редактор С. Барноев
Рассом П. Воронкин
Расмлар редактори Л. Мироелова
Техн. редактор Л. Шиликина
Корректор М. Тоирова

Босмахонага берилди 1/X-1974 й. Босишга рухсат
этилди 19/V-1975 й. Формати 70×108¹/₃₂. Босма
листи 1,25. Шартли босма листи 1,75. Нашр. лис-
ти 1,43. Тиражи 10 000.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти,
Тошкент, Навоий кўчаси 30.
Шартнома 43—74, Қоғоз № 1. Заказ 1815.
Баҳоси 18 т. Р10684.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар,
полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича
Давлат Комитети 3-босмахонасининг 1-цеҳида те-
рилиб, 2-цеҳида босилди.
Тошкент. Т. Шевченко. 52.